



Тошкент шаҳри

ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИНИ ТУЗИШ БҮЙИЧА ОФЕРТА

(онлайн савдо)

4-сон

"3" феврал 2025-йил.

АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР ВА АТАМАЛАР

"Оферта" – Сотувчи томонидан офертада кўрсатилган шартлар асосида номуайян шахсларга юборилган ва уни қабул қиласиган шахс билан шартнома тузиш ниятини ифода этадиган таклиф.

"IMAN Neo" – "IMAN Neo" электрон платформаси (www.imanpay.uz интернет манзилидаги сайтда жойлаштирилган ва/ёки Google Market ва App Store'дан юклаб олиш мумкин бўлган мобил иловалар орқали фаолият юритувчи платформа. Маҳсулотларнинг оффлайн ва онлайн савдолари IMAN Neo платформаси орқали амалга оширилади.

"Онлайн савдолар" – бу Харидор маҳсулот ҳақида маълумот олиши, уни танлаши ва харид қилиши учун буюртмани Сотувчининг электрон платформаси орқали ёки Сотувчи билан ҳамкорлик қилувчи дўконларга тегишли электрон платформалар (веб-сайтлар ёки иловалар) орқали расмийлаштириш йўли билан амалга ошириладиган савдо шакли.

"Акцепт" – офертада кўрсатилган ҳаракатларни бажариш орқали Сотувчининг таклифини қабул қилиш тўғрисида оферта юборилган шахснинг тўлиқ ва қўшимча шартларсиз жавоби.

"Сотувчи" – "IMAN HALAL INVESTMENTS KOMMANDITNOE TOVARISHESTVO" коммандит ширкати, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ рўйхатга олинган. (Рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома: 2020 йил 13 февраль, № 814296. ИНН: 307128450, ИФУТ: 47190, МФО: 01017. Ҳисоб рақами: 2020 8000 2051 8157 4001, "Ипотека-Банк" АКИБ Яккасарой филиалида). Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Равнақ кўчаси, 21 уй.

"Харидор" – офертада кўрсатилган шартларни тўлиқ ва сўзсиз акцепт қилган, муомала лаёқатига эга жисмоний шахс (Ўзбекистон Республикаси резиденти ёки норезиденти).

"Сотувчининг ҳамкор-дўконлари" – бу Сотувчи томонидан кейинчалик уни Харидорга сотиш мақсадида унинг буюртмасига асосан маҳсулот харид қилинган тадбиркорлик субъекти (дўкон).

"Тараф" ёки "Тарафлар" – контекстга боғлиқ равишда Харидор ёки Сотувчи, ёки мос равища ҳар иккала тараф.

"Маҳсулот" – фуқаролик айланмасидан олинмаган ва чекланмаган товар. У Сотувчининг ёки ҳамкор савдо нуқталари ҳамда электрон платформаларида сотиш учун тақдим этилган товар.

"Буюртма" – Харидор томонидан IMAN Neo орқали маҳсулотни харид қилиш учун берилган ариза.

"Модератор" - ҳамкор-дўконлардан савдо бўйича юборилган буюртмаларни қабул қилиш ва текшириш, маҳсулотлар савдода мавжудлигини аниқлаш, Харидорнинг шахсий маълумотлари тўғрилигини текшириш ва тегишли ҳамкор-дўконга "Қабз-менежери" ёки куръерни юборишга масъул бўлган Сотувчининг ходими.

"Қабз-менежери" - Харидорнинг буюртмасига асосан Сотувчи ҳамкор дўкондан тегишли маҳсулотни сотиб олгач, уни қўлга киритиш (қабз) учун ёллаган ҳамкор-дўкондаги вакили (ходими).

"Сотувчининг платформалари" - Сотувчи тегишли IMAN, IMAN Merchant, IMAN web каби илова ва вебсайtlар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

- 1.1. Харидорнинг буюртмасига асосан Сотувчи ҳамкор дўкондан тегишли маҳсулотни сотиб олгач, уни қўлга киритиш (қабз) учун ўзининг вакили-куръерни жўнатади ёки ҳамкор-дўкондаги қабз менеджери орқали қўлга киритади.
- 1.2. Куръер ёки қабз менеджери ҳамкор дўкондан маҳсулотни қабул қилиб олгач, Сотувчи маҳсулот харид қилинганлигини ва уни Харидорга **сотганинги тўғрисида СМС хабар жўнатади**.
- 1.3. СМС хабарни олгач Харидор Сотувчи билан маҳсулотнинг олди-сотди савдосини тасдиқлаши ёки рад этиши лозим. Бу ҳаракатни СМС хабарда кўрсатилган ҳаволани босиш, ёки Сотувчининг қўнғироқларига жавоб бериш, ёки Куръерга СМС хабарда жўнатилган кодни айтиш орқали амалга ошириши мумкин.
- 1.4. Харидор ушбу шартноманинг **1.3-бандида кўрсатилган шаклда савдони тасдиқлаши акцепт ҳисобланади ва шартнома тузилганлигини билдиради**.
- 1.5. Агар Харидор СМС хабарини олгач **72 соат ичидан савдони тасдиқламаса ёки рад этса**, куръер ёки қабз менежери маҳсулотни Ҳамкор-дўконга қайтаради.
- 1.6. Савдо тасдиқлангач, Куръер маҳсулотни унинг уй манзилига олиб боради ёки ҳамкор-дўкондаги қабз-менежери савдо нуқталарида топширади. Етказиб бериш манзили координатлари Yandex харитаси орқали автоматик аниқланиши мумкин.

2. МАҲСУЛОТНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ

- 2.1. Маҳсулот Харидорга Сотувчи платформасида кўрсатилган манзил бўйича етказиб берилади.
- 2.2. Маҳсулот Тошкент шаҳрида ва бошқа шаҳарларга етказиб бериш шартлари турлича бўлиши мумкин. Ўзбекистоннинг қайси ҳудудларига етказиб бериш имконияти мавжудлигини Сотувчи платформасида кўрсатилган колл-маркази орқали аниқлаш мумкин.
- 2.3. Маҳсулотни етказиб бериш Сотувчига тегишли бўлган ёки ёллаган Куръерлик хизмати (вакили) томонидан амалга оширилади.
- 2.4. Куръер маҳсулотни манзилга етказганда, уни тўғри етказаётганига ишонч ҳосил қилиш мақсадида Харидор ёки унинг вакилидан шахсни тасдиқловчи ҳужжатни тақдим қилишни сўраш ҳукуқига эга.
- 2.5. Етказиб бериш нархи маҳсулотнинг вазни ва ўлчамига қараб индивидуал ҳисобланади ва Харидорга буюртмани расмийлаштириш жараёнида хабар берилади.
- 2.6. Маҳсулот Харидорга келишув тузилган пайтдан бошлаб, дарҳол етказиб берилади, бироқ транспортировка билан боғлиқ турли ҳолатларни инобатга олиб, **10 иш кунигача кечикиши мумкин**.
- 2.7. Агар маҳсулот белгиланган муддатда етказиб берилса, бироқ Харидор томонидан қабул қилинмаса (масалан, манзил Харидорнинг айби билан нотўғри кўрсатилган ёки Харидор кўрсатилган манзилда мавжуд бўлмаган ҳолатларда), такрорий етказиб беришнинг янги муддатлари белгиланади. Бунда Харидор такрорий етказиб бериш хизмат нархини **тўлаши** лозим бўлади.
- 2.8. Харидор маҳсулотни қабул қилишда қадоғнинг бутунлиги ва ассортиментга мувофиқлиги,

яроқлилик муддатини, маҳсулотни буюртма қилинган сон, ассортиментга мувофиқлиги кабиларни урф-одатда маълум бўлган тарзда текширади.

2.9. Куръер маҳсулотни Харидорга етказгач, ундан маҳсулотни қабул қилганлигини тасдиқлашини сўрайди.

2.10. Маҳсулот етказиб берилганда, Харидор маҳсулотнинг бутунлиги, ҳолати ва буюртма қилинган миқдор ва ассортиментга мослигини текширади. Агар маҳсулотда нуқсонлар аниқланса, етказиб берувчи куръер иштирокида «Аниқланган нуқсонлар ва маҳсулотни қайтариш тўғрисидаги далолатнома» тузилади (далолатноманинг шакли ушбу шартноманинг 3-иловасида келтирилган).

2.11. Агар Харидор ушбу шартноманинг 2.8-бандида белгиланган хатти-ҳаракатларни амалга оширмаса ёки етказиб берилган маҳсулот бўйича Куръерга эътиroz билдиримаса, Сотувчининг маҳсулотни етказиб бериш ва топшириш бўйича мажбурияти, маҳсулот Харидор ёки унинг вакилига топширилган пайтдан эътиборан бажарилган ҳисобланади.

2.12. Агар Харидор маҳсулотни қабул қилишдан бош тортса ёки маҳсулотда камчиликлар мавжуд бўлса, куръер маҳсулотни қайтариб олиб кетади ва Ҳамкор-дўконга қайтаради.

2.13. Харидор томонидан етказиб бериш вақтида ҳеч қандай эътиroz билдирилмаса, маҳсулот тўлиқ ва муаммосиз қабул қилинган деб ҳисобланади.

2.14. Маҳсулотга бўлган мулк ҳуқуқи маҳсулот топширилган пайтдан бошлаб Харидорга ўтади.

2.15. Маҳсулотни нобуд бўлиши ёки шикастланиш хавфи маҳсулот Харидорга топширилган пайтдан бошлаб унинг зиммасига ўтади.

2.16. Етказиб бериш нархи маҳсулот қийматига кириши ёки Харидор томонидан тўланиши мумкин. Етказиб бериш нархи Харидор томонидан тўланадиган тақдирда унинг нархи Сотувчи ва/ёки унинг ҳамкорларига тегишли платформаларда, Сотувчининг ёки ҳамкор-дўкон ходимини томонидан хабар қилинади.

2.17. Агар Харидор ушбу офертада белгиланган етказиб бериш тартибини бузган ҳолда маҳсулотни Сотувчининг расмий вакили (ходими) ёки куръери орқали қабул қилмасдан, бевосита дўконнинг ходимидан қабул қилса, мазкур ҳолатда Сотувчи ва Харидор ўртасида тузилган олди-сотди шартномаси бекор бўлади. Бунда, Сотувчи Харидор қабул қилиб олган маҳсулот бўйича жавобгарликдан озод қилинади ва Сотувчи мақомидан чиқади. Маҳсулот бўйича тўловлар Харидор томонидан тўғридан тўғри ҳамкор дўконга тўланади. Шунингдек, ушбу шартнома доирасида Сотувчининг ҳамкор-дўкон олдида ҳам ҳеч қандай молиявий мажбуриятлари қолмайди.

3. ТЎЛОВ ТАРТИБИ

3.1. Тўлов графиги ва шартлари

3.1.1. Харидор платформада маҳсулотни **11 ойгача бўлган муддатлар асосида тўловни амалга оширади**. Тўловларнинг аниқ муддатлари IMAN Neo иловасидаги шахсий аккаунтида ёки “топшириш-қабул қилиш” далолатномасида кўрсатилади (1-илова).

3.2. Тўловни амалга ошириш усуллари

3.2.1. Тўловлар Сотувчи ҳамкорлик қилувчи турли тўлов тизимлари иловалари орқали ёки Сотувчининг иловасининг ўзида амалга оширилади.

3.2.2. Тўловлар бўйича тушунтиришлар учун Сотувчининг колл-марказига мурожаат қилиш мумкин.

3.3. Тўлов валютаси ва муддатлар

3.3.1. Тўловлар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси (сўм)да амалга оширилади.

3.3.2. Харидорнинг тўлов мажбуриятлари пул маблағлари Сотувчининг ҳисоб-рақамига келиб тушган пайтда бажарилган ҳисобланади.

3.4. Муддатидан олдин тўлов

3.4.1. Харидор исталган вақтда маҳсулотнинг тўлиқ қийматини муддатидан олдин тўлаш ҳукуқига эга.

3.4.2. Муддатидан олдин тўлов амалга оширилган тақдирда маҳсулотнинг қиймати ўзгаришсиз қолади ва чегирмалар тақдим этилмайди.

3.5. Автоматлаштирилган тўлов ва пул ечиш тартиби

3.5.1. Харидор тўлов тизимлари ва унга хизмат кўрсатувчи банклар орқали мавжуд қарздорликни ёпиш учун ўз банк картасидан пул ечилишига розилик билдиради ва тасдиқлайди.

3.5.2. Қарздорликни ёпиш мақсадида пул маблағлари тўлов графигига мувофиқ белгиланган миқдор ва муддатларда ечилади.

3.5.3. Агар Харидорнинг банк картасида етарли пул маблағлари бўлмаса, мавжуд маблағлар доирасида тўлов ечилади ва қолган қисми кечикирилган қарздорлик ҳисобланади.

3.5.4. Ечилган пул маблағларидан **1-2% миқдорида** банк транзаксия харажатлари қўшимча равишда Харидорнинг ҳисобидан ечилади ва Сотувчи бундан манфаат кўрмайди.

3.5.5. Тўлов муддатидан **1-3 кун олдин** Сотувчи орқали ечиб олинадиган тегишли тўлов ҳақида хабар берилиши мумкин. Хабарлар электрон почта, СМС ёки бошқа мавжуд воситалар орқали юборилади.

3.6. Қуидаги ҳолатларда Сотувчи маҳсулотнинг тўлиқ қийматини муддатидан олдин тўлашни талаб қилишга ҳақли:

3.6.1. Харидор тўловларни белгиланган муддатдан 30 кундан ортиқ муддатга кечиктирганда;

3.6.2. Харидорнинг молиявий ҳолати ёмонлашганда ёки банкрот ҳолатига тушиш хавфи борлиги аниқланганда;

3.6.3. Харидорнинг ёлғон маълумотлар тақдим қилгани маълум бўлганда.

3.7. Юқоридаги 3.6-бандаги ҳолатлар мавжудлигини текшириш бўйича Сотувчининг сўровига биноан Харидор ўз молиявий ҳолатини тасдиқловчи ҳужжатларни **3 (уч) кун** ичida тақдим этиши шарт.

3.8. Агар Мижоз вафот этса, унинг тўлов бўйича қарзлари мерос **тақсимланишидан олдин** унинг меросидан олиб қолиниши керак ва мазкур қарзлар дарҳол тўланиши лозим. Қонунчилик бўйича мерос меросхўрлар ўртасида тўлов амалга оширилишидан олдин **тақсимланган бўлса**, бу ҳолда меросхўрларнинг ҳар бири ўзига теккан мол-мулкнинг қиймати доирасида солидар қарздорлар сифатида жавобгар бўладилар. Шунга қарамай, меросхўрлар мазкур шартнома нархини оширмасдан, Сотувчи билан келишув асосида тўлов муддатларини узайтириш орқали шартномани қайтадан расмийлаштиришлари мумкин.

4. МАҲСУЛОТНИ ҚАЙТАРИШ ВА АЛМАШТИРИШ

4.1. Агар Харидор маҳсулот нуқсонли эканлигини даъво қилса, олдин сервис-марказга мурожаат қиласи. Сервис-центр маҳсулотнинг ҳолатини текшириб, нуқсоннинг келиб чиқиш сабаблари юзасидан холоса беради.

4.2. Агар маҳсулотдаги нуқсоннинг келиб чиқишига Харидорнинг айби йўқлиги тасдиқланса, Харидор қуидаги ҳуқуқларга эга:

- а) Маҳсулотни бошқа муқобил маҳсулотга алмаштиришни Сотувчидан талаб қилиш.
- б) Нуқсонлар бўйича хизмат кўрсатувчи марказлар томонидан бепул таъмирлашни амалга ошириш.
- в) ушбу шартномани бекор қилиб, маҳсулотни Сотувчига қайтариш.

4.3. Харидорнинг айби бўлмаган ҳолатдаги нуқсонли маҳсулотларни қайтариб олиш билан боғлиқ харажатлар Сотувчи томонидан қопланади.

4.4. Мақбул сифатли (тегишли сифатга эга бўлган) маҳсулотни қайтариш тартиби

4.4.1. Харидор мақбул сифатли маҳсулотни уни қабул қилиб олган кундан бошлаб, агар маҳсулот ишлатилмаган ва истеъмол хусусиятлари сақланган бўлса 10 кун ичida қайтариши мумкин. Хусусан, Харидор мақбул маҳсулотни қайтариш ҳуқуқидан фойдаланиш учун унда қуидаги шартлар топилиши лозим:

- а) маҳсулот ишлатилмаган ва шикастланмаган бўлиши;
- б) ўрами ва ёрлиқлари сақланган ҳолда маҳсулотнинг истеъмол хусусиятлари ўзгармаган бўлиши.

4.4.2. Мақбул маҳсулотни қайтариш билан боғлиқ харажатлар **харидор зиммасига юклатилади**.

4.5. Вазирлар Маҳкамасининг 2023-йил 13-февралдаги 75-сон қарорига мувофиқ, айrim турдаги маҳсулотлар қайтариilmайди (4-иловага қаранг).

4.6. Агар Харидор мақбул ёки нуқсонли маҳсулотни савдо нуқталарига келган ҳолда қайтармоқчи бўлса, у аввало Сотувчининг call-марказига ёки, агар мавжуд бўлса, Сотувчининг ҳамкор-дўкондаги вакили бўлган қабз-менежерига мурожаат қилиши лозим. Харидор маҳсулотни бевосита ҳамкор-дўкон ходимига қайтариши (топшириши) мумкин эмас. Бунда, Сотувчи Харидорнинг маҳсулотни қайтариш тўғрисидаги сўровини қабул қилганидан кейин, маҳсулотни Харидордан қабул қилиб олиш учун куръерни юборади. Харидор мақбул сифатли маҳсулотни қайтармоқчи бўлса, уни қайтариш билан боғлиқ харажатлар Харидорнинг зиммасига юкланди, нуқсонли маҳсулотни қайтаришда эса харажатлар Сотувчи томонидан қопланади.

5. ГАРОВ

5.1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 421 ва 422-моддаларига мувофиқ, муддатли тўлов орқали харид қилинган маҳсулот учун тўлов тўлиқ амалга оширилгунга қадар, у **Сотувчи гаровида қолади**. Гаровга қўйилган маҳсулот Харидорда қолдирилган ҳолатда ҳам, у Сотувчи гаровида ҳисобланади.

5.2. Харидор гаровдаги маҳсулотни тўғри сақлаш учун қуидаги мажбуриятларни бажаради:

- маҳсулотни хавфсиз сақлаш учун маҳсус жой ажратиш (гараж,офис ва бошқалар).
- маҳсулотни учинчи шахсларга сотмаслик, гаровга қўймаслик ёки ҳадя қилмаслик.
- Сотувчи ёзма розилигисиз маҳсулотни ижарага бермаслик ёки уни модификация қилмаслик.
- маҳсулотдан фақат хавфсиз ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш
- Қонунчиликка мувофиқ барча зарурий техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш.
- маҳсулотни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқмаслик.

5.3. Агар Харидор шартнома бўйича тўлов мажбуриятларини ўз вақтида бажармаса, Сотувчи гаровдаги маҳсулотни қайтариб олиш ҳуқуқига эга. маҳсулотни олиш ёки сотиш жараёнида келиб чиқкан барча харажатлар Харидор зиммасида бўлади.

5.4. Харидор мазкур шартнома бўйича тўловни **30 (үттиз)** календарь кун ёки ундан ортиқ муддатга кечиктиrsa, Сотувчи тўлов тўлангунга қадар гаровдаги Харидордан талаб қилиш ва олиб қўйиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолатда, Харидор маҳсулотни ва унинг барча калитлари, техник паспорти ва бошқа ҳужжатлари билан биргаликда Сотувчига зудлик билан қайтариши шарт.

Бунда, маҳсулотни Сотувчига етказиб бериш харажатлари Харидор томонидан қопланади. Агар Харидор Сотувчидан ёзма талабномани олган санадан бошлаб **5 (беш)** календарь кун ичida объектни етказиб бермаса, Сотувчи буни мустақил равишда амалга ошириш ҳуқуқига эга. Бунда, Сотувчи томонидан амалга оширилган барча харажатлар Харидорнинг ёзма талабнома олган кундан бошлаб **5 (беш)** календарь кун ичida қопланиши шарт.

5.5. Харидор маҳсулотни Сотувчи томонидан маҳсулот талаб қилиб олингунга қадар унинг хавфсизлигини таъминлаш учун тўлиқ масъулдир. Шу билан бирга, Харидор Сотувчи ва/ёки унинг вакилларига маҳсулотни қайтариб олиш билан боғлиқ ҳаракатларни амалга оширишга халақит бермаслиги, шу жумладан, керакли ҳудудларга киришга рухсат бериши шарт.

5.6. Маҳсулотни гаровдаги маҳсулотни талаб қилиб олиш билан бирга, Сотувчи Харидордан кечиктирилган тўловларни ва қолган қарздорлик суммасини муддатидан олдин тўлиқ тўланишини талаб қилишга ҳақли.

5.7. Агар Харидор келишилган муддатлар ичida тўловлар бўйича қарздорликни тўлиқ ёпса, маҳсулот Харидорга қайтарилади.

5.8. Тарафларнинг келишувига кўра Сотувчи қайтариб олган мулкни унинг вакили сифатида бозор нархидан кам бўлмаган нархда сотади ва унинг нархидан шартнома бўйича қарздорликни қоплайди. Мулк сотилган нархдан шартнома бўйича қарздорлик қопланганидан ва сотиш билан боғлиқ бирламчи харажатлар ушлаб қолинганидан кейин ортиб қолган сумма Харидорга қайтарилади. Ушбу вакиллик шартномасининг бошланиш нуқтаси Харидор тўловларни амалга ошира олмаслиги ҳолларига боғланиб, мазкур шартномада алоҳида банд сифатида киритилади. Бинобарин, Харидор тўловларни амалга ошира олмай қолганда мазкур бандга кўра Сотувчи Харидорнинг вакили сифатида ушбу бандда белгиланган олди-сотди шартномасини унинг номидан амалга оширишга ҳақли бўлади.

6. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Сотувчининг мажбуриятлари:

6.1.1. Сотувчининг ахборот базасининг хавфсизлигини таъминлаш.

6.1.2. Шартнома шартларига риоя қилиш ҳамда амалдаги қонунчилик нормаларига мувофиқ мажбуриятларни бажариш.

6.1.3. Харидорнинг шахсий маълумотларини маҳфий сақлаш, уларни қонунчиликка мувофиқ қайта ишлаш.

6.1.4. Маҳсулот билан бирга зарур ҳужжатларни, жумладан, кафолат ҳужжатлари ва сертификатларни тақдим қилиш.

6.2. Сотувчининг ҳуқуқлари:

6.2.1. Шартнома ва тўлов шартларини буюртма расмийлаштирилгунга қадар бир томонлама ўзгартириш.

6.2.2. Харидорнинг олдиндан розилиги билан телефон сұхбатларини ёзиб олиш.

6.2.3. Харидорнинг шахсий маълумотларини амалдаги қонунларга мувофиқ қайта ишлаш.

6.2.4. Гаров сифатида қолдирилган маҳсулотни гаров реестрига ёзув киритиш ва унинг ҳолати ҳақида маълумот сўраш.

6.2.5. Харидордан ўз вақтида ва аниқ маълумотларни тақдим қилишни талаб қилиш.

6.3. Харидорнинг мажбуриятлари:

6.3.1. Оферта, шахсий маълумотларни қайта ишлаш шартлари ва келишувнинг барча талаблари билан танишиш.

6.3.2. Шахсий маълумотларнинг тўғрилигини таъминлаш ва ўзгарган тақдирда янгиланган маълумотларни ўз вақтида Сотувчига тақдим этиш.

6.3.3. Ўзининг аккаунтидан шахсан фойдаланиш ва аккаунт билан боғлиқ маълумотларни учинчи шахсларга бермаслик.

6.3.4. Маҳсулот тўғрисида тўлиқ ва аниқ маълумот олишга ҳаракат қилиш ва ундан тўғри мақсадларда фойдаланиш.

6.3.5. Маҳсулотнинг қийматини ва етказиб бериш хизматини офертада белгиланган тартиб ва муддатларда тўлаш.

6.3.6. Мақбул маҳсулот етказиб берилганда “Топшириш-қабул қилиш” далолатномалари ва бошқа ҳужжатларни имзолаш (1 ва 2-иловалар).

6.3.7. Сотувчидан гаровда турган маҳсулот ҳақида 3 кун ичидаги сўралган маълумотларни тақдим қилиш.

6.3.8. Маҳсулотнинг нархи тўлиқ тўланмагунча Сотувчининг ёзма розилигисиз уни сотиш, ҳадя қилиш ёки алмаштиришмаслик.

6.3.9. Ушбу келишув бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларни бошқа шахсларга ўтказишга Сотувчининг ёзма розилигисиз йўл қўймаслик.

6.3.10. Тўловга қодир эмаслиги ёки эҳтиёж йўқлиги сабабли келишувни бир томонлама бекор қилиш ёки маҳсулотни қайтаришни талаб қилиш мумкин эмас, қонунчилик ва офертада белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

6.4. Харидорнинг ҳуқуқлари:

6.4.1. Сотувчи платформасидан офертада кўрсатилган шартларда фойдаланиш.

6.4.2. Сотувчи колл-марказига мурожаат қилиб, платформа ва маҳсулот тўғрисидаги саволларга жавоб олиш.

6.4.3. Сотувчидан келишув бўйича мажбуриятларни бажаришни талаб қилиш.

7. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Тарафлар ўз мажбуриятларини бажармаган ёки тегишли тарзда бажармаган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

7.2. Ҳар бир тараф иккинчи тарафга етказилган ҳақиқий моддий заарларни қоплаш мажбуриятини олади.

7.3. Сотувчи, Харидорнинг IMAN Neo платформасидан фойдаланиши натижасида келиб чиқсан бевосита ва билвосита заарлари учун жавобгар эмас.

7.4. Агар Харидор ойлик тўловларни белгиланган муддатдан **3 кун** календарь кунга кечиктиrsa, Харидорни тўловнинг кечиккани ҳақида огоҳлантиради. Сотувчи Харидорга тўловни амалга ошириш учун **3 календар кун** муҳлат беради. Агар Харидор ушбу қўшимча муҳлат ичидаги тўловни амалга оширмаса, Сотувчи кечиккан миқдордаги келажак тўловларини тўлиқ нақд тўлашни талаб қилишга ҳақли бўлади.

7.5. Агар Харидор тўлов муддатларини кетма-кет **2 (икки) марта ёки 45** календарь кундан ортиқ муддатга бузса, Сотувчи шартномани бекор қилиб, қолган қарздорлик суммасини тўлиқ нақд тўлашни талаб қилишга ҳақли бўлади.

7.6. Агар Харидор қарздорлик суммасини белгиланган муддатларда амалга оширмаса, ушбу шартноманинг 5.8-бандида белгиланган тартибда Сотувчи ундирувни гаров мулкига қаратади.

7.7. Сотувчи тўлов кечиккан кунлар учун пеня, неустойка ёки жарима ундиришга ҳақли эмас.

7.8. Харидор маҳсулотдан нотўғри фойдаланилиши оқибатида юзага келган камчилик ва

нуқсонлар учун Сотувчи жавобгар бўлмайди.

7.9. Мазкур шартномада назарда тутилмаган Тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳал этилади.

8. ФОРС-МАЖОР

8.1. Форс-мажор ҳолатлари сифатида Тарафларнинг назоратидан ташқарида бўлган ва уларнинг иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар тан олинади. Уларга табиий оғатлар (зилзила, сув тошқини, ёнғин), давлат органлари томонидан қабул қилинган қарорлар, иқтисодий санкциялар ёки қонунчиликка киритилган ўзгаришлар каби ҳолатлар киради. Шунингдек, ҳарбий ҳаракатлар, эпидемиялар, пандемиялар, ҳукумат томонидан жорий қилинган карантин чоралари, мамлакатлараро савдо тақиқлари ва бошқа ташқи таъсир омиллари ҳам форс-мажор ҳолатлари сифатида тан олинади.

8.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган тақдирда, Тарафлар бундай ҳолатлар ҳақида **3 (уч)** иш куни давомида бир-бирларини ёзма равишда хабардор қилишлари шарт. Хабарномада форс-мажор ҳолатининг тавсифи, унинг бошланган вақти ва қандай таъсир этишини, шунингдек, мажбуриятларни бажаришга қандай таъсир қилиши мумкинligини кўrsatiш лозим. Агар Тарафлар форс-мажор ҳолати якунлангани ҳақида ҳам ўз вақтида бир-бирларини хабардор қилмасалар, бу ўз вақтида етказилмаганлиги учун жавобгарликка тортилади.

8.3. Агар Тарафлар ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажара олмасалар ва бу форс-мажор ҳолатлари сабабли содир бўлса, Тарафлар мажбуриятларни бажармаганлиги учун ушбу шартнома ва тегишли қонунчиликда белгиланган жавобгарликдан озод қилинадилар. Лекин ушбу ҳолат факат форс-мажор ҳолатлари давом этган давр мобайнида амал қилинадилар. Тарафлар форс-мажор ҳолатлари тугаши билан ўз мажбуриятларини қайтадан бажаришлари лозим.

8.4. Форс-мажор ҳолатлари Тарафларнинг бўйнида **олдин** собит бўлган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди. Бундай ҳолатлар вужудга келганда ёки якунлангандан кейин, Тарафлар маҳсулот етказиб бериш ва тўловлар бўйича янги муддатларни келишган ҳолда

белгилашлари керак. Агар Тарафлар ўзаро келишган ҳолда янгиланган муддатларни белгиласалар, бу муддатлар доирасида ўз мажбуриятларини бажаришлари талаб қилинади.

8.5. Агар маҳсулотга етган зарар қуйидаги сабаблардан келиб чиқса, жавобгарлик Харидорнинг зиммасида бўлади ва форс-мажор ҳолати сифатида баҳоланмайди:

- а) Маҳсулотнинг эҳтиётсизлик билан ерга ёки сувга тушириб юборилиши;
- б) Маҳсулотни номуносиб ҳароратда сақлаш;
- в) Узлуксиз ва нотўғри фойдаланиш натижасида маҳсулотга зарар етказиш;
- г) Маҳсулотнинг ўғирланиши ёки бошқа шахслар томонидан нотўғри фойдаланилиши.

8.6. Форс-мажор ҳолати тўғрисида хабар бериш

10.6.1. Форс-мажор юзага келганида, Тарафлар бу ҳақда бир-бирларини зудлик билан, лекин кечиктирмай хабардор қилишлари шарт.

10.6.2. Форс-мажор ҳолати тугаганидан кейин, Тарафлар келишув бўйича ўз мажбуриятларини қайта тиклаш тартибини келишиб оладилар.

9. БОШҚА ШАРТЛАР

9.1. Шартномада кўзда тутилмаган ҳоллар бўйича Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига амал қиласадилар.

9.2. Агар Офертанинг айрим қоидалари ҳақиқий эмас деб топилса, бу ҳолат унинг қолган қоидаларига таъсир қилмайди. Бошқа қоидалар ўз кучида қолади ва Оферта тўлиқ амал қилишда давом этади.

9.3. IMAN Neo саҳифаларида ушбу Оферта эълон қилинган ондан бошлаб, 2020 йил 6-май куни қабул қилинган ва 2-сонли "Маҳсулотларни электрон тижорат орқали сотиш тўғрисида"ги Оммавий оферта ўз кучини йўқотади ва янги келишувлар учун қўлланмайди.

10. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

10.1. Барча ушбу Шартномага тегишли бўлган саволлар (шу жумладан, унинг талқини, қўлланилиши, амал қилиш муддати, ижроси ва бузилиши) қайси давлат ҳудудида бўлишига қарамай Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан кўриб чиқилади.


10.2. Агар Тарафлар келишувга эриша олмасалар, Сотувчи эътиrozларни келишувлар йўли билан ҳал қилиш тартибларини четлаб ўтиб, ушбу Шартнома бўйича барча келиб чиқсан низолар, фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой, Миробод, Шайхонтоҳур, Учтепа, Мирзо Улуғбек туманлараро судларида ёки қарздорнинг доимий яшаш манзилидаги ҳудудий фуқаролик ишлари бўйича судида кўриб чиқилади. Шунингдек, зарур ҳолларда Сотувчи қарздорликни Нотариал ёзув асосида ундириш ҳуқуқига эга.

10.3. Тарафлар, ушбу Шартнома бўйича келишмовчиликлар судга оширилган тақдирда, талаблари қондирилган Тараф, унинг даъвосига биноан тўланадиган пул миқдоридан ташқари, адвокат учун, суд ва бошқа харажатларга сарфланган пул миқдорларини қоплаб берилишини талаб қилиш ҳуқуқига эгалигига рози бўлдилар.

10.4. Тарафларнинг келишувига кўра ушбу Шартномада тартибга солинмаган барча масалалар бўйича амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини қўлланилади.

11. СОТУВЧИННИГ РЕКВИЗИТЛАРИ

СТИР:	307128450
Банк ҳисоб рақами:	Сүмда x/p: 2020 8000 2051 8157 4001 АҚШ долларыда x/p: 2020 8840 9051 8157 4003
Банк:	МФО 01017 "Ипотека-банк" АКИБ Яккасарой филиали SWIFT: УЗХОУЗ22
Манзил:	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Равнақ қўчаси, 21 уй
Тўлиқ шерик	"IMAN HALAL INVESTMENTS" масъулияти чекланган жамияти



МАҲСУЛОТНИ ТОПШИРИШ-ҚАБУЛ ҚИЛИШ ДАЛОЛАТНОМАСИ ШАКЛИ

Тошкент ш.

«___» ____ 20 ___ йил.

Харидорнинг № ____-сон буюртмаси ва «___» ____ 20 ___ йилда тасдиқланган ____-сон Оферта асосида харид қилинган Товарни топшириш-қабул қилиш далолатномаси.

Сотувчи: _____

Харидор: фуқаро (Ф.И.Ш.)
 паспорт серияси ва рақами: № _____,
 Етказиб берилган жой манзили: _____,
 Етказиб берилган сана: «___» ____ 20 ___ йил,

Тарафлар ушбу далолатномани қуйидаги мазмунда түздилар:

Далолатнома мазмуни

- Маҳсулот Сотувчи томонидан Харидорга қуйидаги жадвалга асосан келишилган муддатда, тўлиқ ҳажмда ва тегишли сифатда етказиб берилган.

№	Маҳсулотнинг номи ва таърифи	Ўлч.бирл. (дона ёки тўплам) дона	Илова қилинадиган хужожатлар ва ўрам (қадоқ, мувофиқлик сертификати, кафолат талони ва бошқ.)	Нархи (ҚҚС билан)	Муддатли тўловни хисобга олганда умумий қиймати
Жами умумий сумма: _____ (_____) сўм, ҚҚС билан.					

- Харидор ушбу далолатнома орқали харид қилинган маҳсулот учун тўловни Оферта шартларига мувофиқ қуйидаги тўлов графиги асосида амалга ошириш мажбуриятини олади.

№	Тўлов санаси	Тўлов суммаси (сўмда, ҚҚС билан)	Тўлов қолдиги	Изоҳлар

1	Далолатнома имзоланган санада түланган			
2	«_» _____ 2025-йилгача.			
3	«_» _____ 2025-йилгача.			
4	«_» _____ 2025-йилгача.			
5				
6				

- Харидор Оферта шартлари билан танишганилиги ва уларни қўшимча шартларсиз қабул қилганини тасдиқлайди.
- Харидор ушбу далолатнома Оферта асосида тузилган Келишувнинг ажралмас қисми эканлигини тушунади ва тасдиқлайди.
- Муддатли тўловга харид қилинган маҳсулот учун тўлиқ тўлов амалга оширилгунича, маҳсулот Сотувчидагаровда бўлади. Харидор ўз мажбуриятларини бажаришни таъминлашга масъул.
- Агар тўловлар ўз вақтида тўланмаса ёки кечиктирилса, Харидор ўзини қора рўйхатга ёки тўлай олмайдиганлар рўйхатига қўшилишга розилик беради.
- Оферта ва ушбу далолатнома Харидорга тушунарли тилда баён этилган.
- Ушбу далолатнома 2 (икки) нусхада тузилган бўлиб, биттаси Сотувчидагар, иккинчиси Харидорда сақланади.

Имзолар:

Сотувчи: _____
Сана: «_» _____ 20__ йил

Харидор: _____
Сана: «_» _____ 20__ йил

**ОЛДИНДАН ТҮЛОВ ТҮЛИҚ ТҮЛАНГАН МАҲСУЛОТНИ ТОПШИРИШ-ҚАБУЛ ҚИЛИШ
ДАЛОЛАТНОМАСИ ШАКЛИ**

Тошкент ш.,

«_» 20 иил.

Харидорнинг № ____-сон буюртмаси ва «_» 20 иилда тасдиқланган Оферта асосида харид қилинган маҳсулотни топшириш-қабул қилиш далолатномаси.

Сотувчи: _____ ва

Харидор: фуқаро (Ф.И.Ш.) _____,

паспорт серияси ва рақами: № ____,

берилган сана: «» 20 иил,

Етаказиб берилган жой манзили _____,

Тарафлар қуийдаги шартлар асосида ушбу далолатномани туздилар:

№	Маҳсулотнинг номи ва таърифи	Ўлч. бирл. (дона ёки тўплам) Дона	Илова қилинадиган ҳужжатлар ва қадоқ (қадоқ, мувофиқлик сертификати, кафолат талони ва бошқ.)	Нархи, (ҚҚС билан)	Муддатли тўловни ҳисобга олганда умумий қиймати
1					
2					
Жами умумий сумма: _____ (_____) сўм, ҚҚС билан.					

Далолатноманинг мазмуни

1. Маҳсулот Сотувчи томонидан Харидорга келишилган муддатда, тўлиқ ҳажмда ва тегишли сифатда етказилган.
2. Харидор маҳсулот учун 100% олдиндан тўловни амалга оширганини тасдиқлайди ва Сотувчи ушбу тўловни олганини тан олади.
3. Харидор Оферта шартлари билан танишган ва уларни қўшимча шартларсиз қабул қилганини тасдиқлайди.
4. Ушбу далолатнома Оферта асосида тузилган Келишувнинг ажралмас қисми ҳисобланади.
5. Оферта ва ушбу далолатнома Харидорга тушунарли тилда баён этилган.
6. Ушбу далолатнома 2 (икки) нусхада тузилган бўлиб, биттаси Сотувчида, иккинчиси Харидорда сақланади.

Имзолар:

Сотувчи: _____

Сана: «_» _____ 20__ йил

Харидор: _____

Сана: «_» _____ 20__ йил

**МАҲСЛОУТДА АНИҚЛАНГАН НУҚСОНЛАР ВА УНИ ҚАЙТАРИШ ТҮҒРИСИДА
ДАЛОЛАТНОМА ШАКЛИ**

Тошкент ш.

«___» ____ 20 ___ йил.

Харидорнинг № ____-сон буюртмаси ва «___» ____ 202 ____ йилда тасдиқланган Оферта асосида харид қилинган маҳсулотда аниқланган нуқсонлар ва уни қайтариш түғрисидаги далолатнома.

Сотувчи: _____ ва

Харидор: фуқаро (Ф.И.Ш.) _____,
паспорт серияси ва рақами: № ____,
Маҳсулот етказиб берилган сана: «___» ____ 20 йил,
берилган жой манзили: _____,

Тарафлар қуйидаги мазмунда ушбу далолатномани туздилар:

1. Маҳсулотда аниқланган нуқсонлар:

1. Харидор маҳсулотни қабул қилиш вақтида қуйидаги камчilik va нуқсонлар аниқлади:
 - A) _____;
 - Б) _____;
 - Д) _____.
2. Юқорида көлтирилган ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда, va Оферта шартларига мувофиқ, Харидор қуйидагиларни талаб қилади:
 - маҳсулотни тегишли сифатли маҳсулотга алмаштириш ёки бошқа талаблар.

Имзолар:

Сотувчи: _____

Сана: «_» ____ 20 ___ йил

Харидор: _____

Сана: «_» ____ 20 ___ йи

**Зарур сиfatдаги, қайтариб олинмайдиган ёки шунга үхшаш товарга
алмаштирилмайдиган ноозиқ-овқат товарлари
рўйхати**

1. Уй шароитларида касалликларни профилактика қилиш ва даволаш учун маҳсулотлар (металл, резина, тўқимачилик ва бошқа материаллардан тайёрланган санитария ва гигиена буюмлари, тиббий буюмлар, приборлар ва аппаратлар, оғиз бўшлиғи гигиенаси воситалари, кўзойнак линзалари, болаларни парвариш қилиш буюмлари, дори воситалари.
2. Шахсий гигиена буюмлари (тиш чўткалари, тароқлар, соч тўғноғичлар, соч бигудилари, улама соchlар, шинъонлар ва бошқа шу каби товарлар.
3. Атторлик-пардоз товарлари.
4. Тўқимачилик товарлари (ип-газлама, зигир толали, ипак, жун ва синтетик газламалар, газлама тусидаги нотўқима материаллардан тайёрланган товарлар — ленталар, жияклар, тўрлар ва бошқалар); кабель маҳсулотлари (симлар, шнурлар, кабеллар); қурилиш ва пардозлаш материаллари (линолеум, плёнка, гилам қопламалар ва бошқалар) ҳамда метрлаб сотиладиган бошқа товарлар.
5. Тикувчилик ва трикотаж буюмлари (тикувчилик буюмлари ва трикотаж ички кийимлар, пайпоқ ва қўлқоп буюмлари).
6. Полимер материаллардан тайёрланган, озиқ-овқат материаллари билан боғлиқ бўлган, шу жумладан бир марта фойдаланиладиган буюм ва материаллар (ошхона ва кухня идиш-товоқлари ва анжомлари, озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш ва ташиш учун идишлар ва ўров материаллари).
7. Майший кимё товарлари, пестицидлар ва агрохимикатлар.
8. Мебель (мебель гарнитурлари ва тўпламлари).
9. Қимматбаҳо тошлардан фойдаланган ҳолда қимматбаҳо металлардан тайёрланган, ярим қимматбаҳо ва синтетик тошлардан фойдаланган ҳолда қимматбаҳо металлардан тайёрланган буюмлар, силлиқланган қимматбаҳо тошлар (мазкур Қоиданинг 99-бандида келтирилган холатлар бундан мустасно).
10. Автомобиллар ва мотовелотоварлар, уларга тиркамалар ва номерли агрегатлар; қишлоқ хўжалиги ишлари учун кичик механизация кўчма воситалари; сайд қилиш қайиқлари ва бошқа майший сузиш воситалари.
11. Кафолат муддатлари белгиланган техник жиҳатдан мураккаб майший товарлар (металл қирқувчи ва ёғочга ишлов берувчи майший дастгоҳлар; майший электр машиналари ва майший электр приборлари; майший радиоэлектрон аппарат; майший ҳисоблаш ва кўпайтириш техникаси; фото ва киноаппаратлар; телефон аппаратлари ва факсимиль аппарати; электр мусиқа асбоблари; электрон ўйинчоқлар).
12. Ҳайвонлар ва ўсимликлар.